



# Project Summary Document

Лойиҳа номи:	Ҳамкор Банк - Кредит
Мамлакат:	Ўзбекистон
Лойиҳа тартиб рақами:	35845
Бизнес тармоги:	
Давлат/Хусусий:	Хусусий сектор
Кенгаш тақдироти санаси:	
Мавке:	
PSD санаси:	
Лойиҳанинг мақсадлари:	<p>Мазкур лойиҳа Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хусусий тижорат Ҳамкор Банкка кредит ажратишдан иборатдир. Ҳамкор Банкнинг бош офиси Андижонда жойлашган бўлиб, Ўзбекистон бўйича 24 филиал тармогига эга.</p> <p>Кредит Ўзбекистонда фаолият юритаётган хусусий корхона ва тадбиркорларга микро (10,000 АҚШ доллари), кичик (100,000 АҚШ доллари) ва ўрта (500,000 АҚШ доллари) ҳажмда кредитлар ажратишга йўналтирилади.</p>
Утиш даври таъсири:	<p>Лойиҳа Ўзбекистонда мавжуд молиявий воситачилик хизматларини ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш орқали янада кучайтиради ва Ҳамкор Банк томонидан кичик ва ўрта корхоналарнинг, шунингдек тадбиркорларнинг молиявий хизматларга бўлган талабларини қондириш имкониятини кенгайтиради. Мазкур лойиҳа Ҳамкор Банкнинг йирик шаҳарлардан фарқли бўлган ҳудудларга ҳам бизнес фаолиятини кенгайтиришига ҳисса қўшади. Илгор хусусий банклардан бири бўлган Ҳамкор Банкка ажратилаётган қўшимча кредит, мамлакатнинг банк тизимидаги рақобатни янада кучайтиришига олиб келади. Кредитга қўшимча равишда ажратиладиган Техник Ердам Ҳамкор Банкнинг йирик корхоналарни молиялаш соҳасидаги тажрибасини оширади.</p>
Мижоз:	<p>Ҳамкор Банк, Ўзбекистондаги етакчи хусусий банклардан бири бўлиб, 16 йиллик муваффақиятли тарихга эга. Ўзбекистон банк тизимида 1.1% улушга эга бўлишидан қарамай, Ҳамкор Банк мамлакатнинг барча йирик ҳудудларида ўз филиалларига эга ва ишончга сазовор бўлган банкдир. ЕТТБ ва Ҳамкор Банк ўртасидаги бизнес алоқалар узоқ йиллардан бери давом этиб келмоқда ва шу кунга қадар Ҳамкор Банк Ўзбекистон-Япония Кичик Бизнесни Молиялаштириш Дастури доирасида жами 8 миллион АҚШ доллари миқдорида уч бора кредит олган.</p>
ЕТТБ молияси:	5 миллион АҚШ доллари ( 3.6 million Евро эквивалентида)

Лойиҳа умумий киймати:	5 миллион АҚШ доллари ( 3.6 million Евро эквивалентида)
Атроф-Мухитга таъсири:	Ҳамкор Банк ЕТТБнинг Атроф-мухитни муҳофаза қилиш дастурига амал қилган ҳолда мавжуд келишувлар асосида кредитлар ажратиб келмоқда. Банк янги лойиҳа буйича ҳам ушбу талабларга жавоб беришда давом этади ва ЕТТБнинг Молиялаштириш маън этилган соҳалар руйхатига амал қилади. Шунингдек, Банк йиллик Атроф-Мухитни муҳофаза қилиш ҳисоботини тақдим этади.
Техник Ердам:	<p>Лойиҳага қушимча равишда умумий миқдори 200,000 АҚШ долларига тенг бўлган Техник Ердам ажратилади. Бу Техник Ердам Катта Кредит Маслахатчисини еллаш, Ҳамкор Банкда Кичик ва Урта Бизнесни молиялаштиришга ихтисослашган кредит мутахассисларини тайерлаш, Кредит Бошкармаси иш фаолиятини янада кучайтириш, ҳамда янги ҳудудларда кенг кўламда молиялаштиришни амалга оширишга йўналтирилади.</p> <p>Техник Ердамнинг асосий мақсади Ҳамкор Банк миқозларида молиявий хизматларга бўлган талабнинг унумли кондирилишига ва хусусан Япония-Ўзбекистон Кичик Бизнесни Молиялаштириш Дастуридан фойдаланган ҳолда бизнесини кенгайтирган тадбиркорларни кўллаб-қувватлашни тугри ташкил қилишдан иборатдир. Техник Ердам кредит тахлили, маркетинг ва кредитлаш жараенида зарур бўлган институционал жараенларнинг самарадорлигини ошириш каби соҳаларни коплайди.</p> <p>Техник Ердамда консультант сифатида иштирок этиш учун <a href="#">procurement of consultants</a> интернет саҳифасига мурожаат қилинг.</p>
Ҳамкор Банкка мурожаат қилиш:	Адхамжон Юлдашев Халқаро Молиявий Ташкилотлар билан Алоқа Бошкармаси Бошлиғи, Ҳамкор Банк <a href="mailto:hamkorbank@mail.ru">hamkorbank@mail.ru</a>
Бизнес имкониятлар:	Оксана Пак, Лойиҳа етакчиси: <a href="mailto:pako@ebrd.com">pako@ebrd.com</a>
Умумий суровлар:	Тендер имкониятларидан ташқари булган лойиҳага алоқадор саволлар учун:  Тел: +44 20 7338 7168; Факс: +44 20 7338 7380 электрон манзил: <a href="mailto:projectenquiries@ebrd.com">projectenquiries@ebrd.com</a>